

Ўзбекистон металлургия комбинати муҳандислик маркази ходимлари доимо изланишда. Хусусан, ички имкониятларни ишга солган ҳолда бугунги кунда кўпгина халқ истеъмол моллари тайёрлашни йўлга қўйдилар. Энг муҳими, ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари ортиб бораётган, қўшимча даромадлар манбаи ишга туширилди. Қувонарлиси, ҳар бир янгилик орқали ўнлаб қўшимча иш ўринлари очилмоқда.

Яқинда корхонада яна бир ана шундай хайрли иш амалга оширилди. Корхона цехларидаги ишлаб чиқариш чикиндилари бўлган шлаклар қайта ишланиб, фойдали маҳсулотга айлантириш технологияси амалга таъбиқ этила бошланди. Натижанда ушбу цехда 54 та янги иш ўринлари яратилди.

Этиборли томони шундаки, цехга кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг аъзолари ишга таклиф қилинаётипти.

Х.ТЕМУРОВ

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 5 январ, чоршанба № 3 (1844)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 январ кунини Эрон Ислам Республикасининг биринчи вице-президенти Мухаммад Ризо Орифни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меконини юртимизга ташрифи билан қутлади, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади. Сизни нафакат Эрон вице-президенти, балки ушбу мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келётган арбоб ва олим сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, - деди Ислам Каримов.

Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган. Давлатларимиз ўртасидаги алоқаларда мулоқот ва маслаҳатлашувлар доимийлик тусини олган. 2000 йилдан буён уч маротаба олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат вазирилик ва идоралари ўртасидаги мулоқотлар ҳам изчиллик касб этмоқда.

Эрон раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қаради. Ҳозирги кунда томонларнинг ўзаро ҳамкорликдан манфаатдорлиги, айниқса, Афғонистонда барқорор тинчлик ўрнатилишига қўмақлашишда яққол намоён бўлмоқда. Экстремизмга, террорчилик ва нарқобизнесга қарши курашиш муаммолари ҳам ўзаро муносабатлардаги долзарб масалалар сирасига киради.

қазий Осиё билан Форс кўрфазини боғлайдиган халқаро транспорт йўлағининг Афғонистон орқали ўтувчи қисмини барпо этишда ақиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2003 йилнинг ёзида Техронда имзоланган Трансафғон йўлағини барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама ҳужжат муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа ҳаётга таъбиқ этила бошлади ва унинг ижросини жадаллаштириш учун давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш масаласи кўрилувчи.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида иқтисодий соҳада ҳам самарали ҳамкорлик қарор топган. Юртимизда Эрон компанияларидан этитасининг ваколатхонаси, эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган эллика

яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Транзит юк ташини борасидаги кўрсаткичлар йил сайин ўсмоқда. Оқсаройдаги учрашувда соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан каби ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар ривожланиётгани алоҳида таъкидланди. Эроннинг биринчи вице-президенти самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўзаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини қайд этди. Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтакавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов депутатлари рўйхатга олинди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 та участка сайлов комиссияси тузилган эди. Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси - 114, Ўзбекистон Халқ демократик партияси - 108, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси - 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси - 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси - 71, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан -

4 январ кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

62,3 фоизи, Фарғона вилоятида 87,4 фоизи, Хоразм вилоятида - 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида - 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида - 85,2 фоизи катнашди. Барча 120 та сайлов округида овоз беришда сайловчилар рўйхатларига қиритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва мазкур округларда сайлов ўтган, деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 62 та сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчиларнинг фамилияси қиритилиб, уларнинг 12197159 нафари, яъни 85,1 фоизи овоз беришда иштирок этди. Овоз беришда сайловчиларнинг Тошкент шаҳрида - 81 фоизи, Андижон вилоятида - 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида - 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида - 88,6 фоизи, Наманган вилоятида 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида - 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида - 86,9 фоизи, Сурхондарё вилоятида - 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида -

82,3 фоизи, Фарғона вилоятида 87,4 фоизи, Хоразм вилоятида - 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида - 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида - 85,2 фоизи катнашди.

Барча 120 та сайлов округида овоз беришда сайловчилар рўйхатларига қиритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва мазкур округларда сайлов ўтган, деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 62 та сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчиларнинг фамилияси қиритилиб, уларнинг 12197159 нафари, яъни 85,1 фоизи овоз беришда иштирок этди. Овоз беришда сайловчиларнинг Тошкент шаҳрида - 81 фоизи, Андижон вилоятида - 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида - 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида - 88,6 фоизи, Наманган вилоятида 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида - 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида - 86,9 фоизи, Сурхондарё вилоятида - 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида -

киши бор. 62 нафар сайловчиларнинг 8 нафари - 12,9 фоизи хотин-қизлардир. Республика бўйича 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпчилиги овозини ололмади. Шу сабабли 2005 йил 9 январ кунини тақририй овоз бериш ўтказиш тўғрисида 2004 йил 29 декабрда қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов очик, ошқоралик руҳида, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий қулатувчиларнинг кенг иштирокида ўтди. Парламент сайловида 40 давлатдан 228 нафар хорижий қулатувчи, жумладан МДХ, ЕХТ қулатувчилар миссиялари катнашди. Сайловчиларнинг қўластарида ўтди. Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланиётганидан далил бўлди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

лов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси - 21 киши, Ўзбекистон Халқ демократик партияси - 18, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси - 9, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси - 6, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси - 2, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан - 6

(ЎзА)



Ўтган йили Оқолтин тумани Усмон Носир номидаги қишлоқлик фермер Маъмур Жунов деҳқончилик ва чорвачиликдан қарийб 86 миллион сўм соф даромад олди.

МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕР

100 гектар галла майдонининг ҳар бир гектаридан 28 центнердан сара дон йиғиштириб олинди. 96 гектар майдонга чигит қадалди. Йиғим-терим вақтида 251 тонна ўрнига қабул пунктига 280 тонна биринчи навли хомашё етказиб берилди.

Чорвачилик фермасида 180 бош қорамол, 150 бош қўй-эчки, юздан ортиқ товуқ боқилмоқда. Ҳўжаликда озуқа муаммоси йўқ, чунки 56 гектар майдонда турли озуқа экинлари етиштирилмоқда.

Ўнлаб ҳамқишлоқларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш имконияти мавжуд, дейди Маъмур ака. - Оилам катта, «Матиз», «Дамас», «Несия» машинамиз бор, болаларга яхши билим бериш имконига эгамиз. Шахсий тажрибамдан шунга амин бўлдимки, ҳалол меҳнат билан ҳаётда қўл нарасага эришиш мумкин.

ЙИГИТЛАР САРАСИ

Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмлар, маҳалалар, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 14 январ - Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари давом этмоқда. Ўзбекистон мудофасага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши тизимидagi спорт-техника клублари вакиллари Пешку туманида ҳарбий-амалий кўнгураш, тўсиқлар оша югуриш ва пневматик милтиқдан нишонга отиш бўйича беллашди.

Йигитлар баҳсида роми-тонлик Баҳодир Қаландаровга тенг келадиган спортчи топилмади. Унинг тумандоши Гулноза Қобилова ҳам барча дугоналарини ортада қолдириб, голиб бўлди. Умумжамоа ҳисобида Роми-тон тумани вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Пешку тумани ва Бухоро шахри жамоалари эса қучли учликдан жой олди.

ЮК ТАШИШ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимиз автомобил транспортида юк ташиш ҳажми йил сайин ортмоқда. Бунда хусусий транспорт корхоналарининг алоҳида ўрни бор. Бектемир туманидаги «В.К. Intrans» хусусий компанияси ихтиёридаги саксондан ортиқ замонавий юк ташиш машинаси ёрдамида яқунланган йилда олти миң тоннага яқин халқ хўжалиги юклари ўз манзилига вақтида етказиб берилди.

- Мавжуд машина парк-



Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Тўхтабой Ғаниев тиниб-тинчимас етакчи. Кўпчилик ишончи унга қанот бўлди. Касабақўм раисининг интилиши, тиниб-тинчимаслиги бонс ойллик маошдан қарздорликка барҳам берилди. У касаба уюшма фаолиятини жонлантириш, жанговорлигини таъминлашга тинмай интилади.

Бияси, уларга яратилган шарт-шароитни ҳам назоратга олган. Ўтган йилнинг ўзидеқ ўқитувчи-мураббийлардан 9 нафари ҳуқуқат муқофотларига сазовор бўлишди. 2 нафар ўқувчи республика фан олимпиадаси голиблигини қўлга киритди. Яна икки нафар ўқувчи эса жаҳон чемпионлиги кумуш ва бронза

миллиондан ошди. Бу маблағлар ўқитувчилар ва ўқувчилар ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилмоқда. Тизимда меҳнат қилаётган боқувчисини йўқотган, ёлғиз, кам таъминланган, кўп фарзандли 67 та оила касаба уюшма ҳимоясига олинган. Ўтган фурсатда уларнинг ижтимоий ҳимояси учун 1092,7 миң сўм миқдорда моддий қўмақ кўрсатилди. Меҳнатда алоҳида ўрнатилган ходимлардан 256 нафар киши маъмурият ва касаба уюшма муқофотига сазовор бўлишди. Ходимларни соғломлаштириш, уларнинг дам олишини таъминлаш алоҳида назоратга олинган. Ўтган даврда 160 та йўлланма ажратилди. Таълим ходимларининг 66 нафарини бепул дам олиши, саломатлигини тиклаши таъминланган бўлса, 25 киши Гулистон шаҳридаги реабилитация марказида бепул соғломлаштирилди.

МУАЛЛИМ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

12-мактаб маъмуриятига ҳам обрў олиб келмади. Ўқитувчи А.Ҳақимов ҳам бесабаб ишдан четлатилди. Аммо ноҳақлик узоққа чўзилмади. Сайхунбод қишлоқ ҳўжалик коллежи ўқитувчиси Г.Бекмуродовага нисбатан штат қисқариши нотўғри жорий этилганлиги касаба уюшма томонидан аниқланиб, хатоликка ўз вақтида барҳам берилди. Вакилликка келиб тушган 217 та низоли масала адолатли ечим топди. Касаба уюшма ёшлар тар-

медаллари соҳибларига айланиб улгуришган. Тадбиркорлар ва фермерлар эътиборини мактабга жалб этиш борасида касаба уюшманинги ўрни бор. Ўзаро келишувларга мувофиқ тумандаги «Дўсма» фермер хўжалиги 1-мактабга 1 миллион сўмдан ошмиқ моддий қўмақ кўрсатди. Тадбиркорлар амалий мададини олаётган бундай таълим даргоҳлари бир талай. Тармоқда сармоядан ташқари маблағ топиш даражаси 11 ярим

Ш.НУРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Ютуқ ва муаммолар

БОЛАЛАРНИ ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Ўтган йили қандай амалга оширилди?

Меҳнатқашлар фарзандларини ҳар томонлама етуқ, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу боис республика ҳуқуқати, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирилик ва идоралар, жамғармалар маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ўтган йили болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш ва дам олиришини ташкил этиш юзасидан муайян ишларни амалга оширилди. Таҳлил шунини кўрсатдики, 2004 йил ёз мавсуми даврида жами 371 соғломлаштириш оромгоҳида 180202 ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Ҳар йилдагидек Оролбўйи минтақасида яшовчи кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар фарзандларидан ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 2981 нафар бола энг хушманзара, сўлим масканларда бепул дам олдирилди. Эътиборли шунки, темирйўлчилик ва транспорт қурувчилари тармоғи ходимларининг 600 нафардан зиёд, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати тармоғи ходимларининг қарийб 500 га яқин фарзанди ўзларига қарашли оромгоҳларда касаба уюшмалари ва маъмуриятлар ташаббуси билан қўшимча тарзда соғломлаштиришга эришилди.

Таъкидлаш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий Комплекси ҳамда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг қабул қилган мажлис баёни қарори асосида вазирилик ва идоралар, жамғарма ҳамда корпорациялар томонидан буйруқ, қарорлар қабул қилиниши масъулиятли мавсумни юқори савияда ўтказиш учун пухта замин яратди. Жумладан, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Фарғона вилоятлари, «Қишлоқ-муқимдорметаллолтин» концернида оромгоҳларни мавсумга намунали тайёрлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги тажрибалари кенг омалаштирилди. Асосий эътибор болалар оромгоҳларини сифатли озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, маданий моллар, спорт жиҳозлари билан таъминлаш, «Маънавият ва маърифат» хоналари, бурчакларини ташкил этиш, кутубхоналарини бойитишга қаратилди.

Ўтган йилги мавсумда ўғил-қизларнинг маънавий дунёқарабини ўстириш, уларнинг она Ватанга бўлган садоқати, меҳр-муҳаббатини янада жўш урдиришга қаратилган ибратли тадбирлар амалга оширилди. Мақсадга эришишда ҳар смёна даврида меҳнат ва уруш фахрийлари, ёзувчи шоирлар, санъат обробрлари, спорт усталари билан учрашувлар ташкил этиш, турли мавзуларда қўриқ-танловлар, санъат фестиваллари, спорт мусобақалари ўтказиш муҳим аҳамият касб этди. Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ кутубхоналарни болалар адабиёти билан бойитиш, тўғарак ишларини йўлга қўйиш уюшқоқлик билан амалга оширилди.

Ютуқлар билан бирга ўта муҳим ишда баъзи бир камчиликлар ҳам йўл қўйилди, бу ҳақда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раё-

сат йиғилишида алоҳида гап борди. Натижалар ўзаро талабчанлик, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилди. Таъкидландики, ўтган йилги мавсумда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларидан, айниқса, стационар турдагиларидан мавсум давомида тўла қувватда фойдаланишга эришилмади. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилоятидаги мавжуд стационар турдаги масканларнинг фақатгина ярмиси уч смёна давомида фаолият кўрсатолди, холос. Эски касал давом этди. Яъни, ақсарият вилоятларда ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланган бўлишига қарамай, оромгоҳларни шайлаш, таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари ҳаттоки 28 майгача давом этди. Бундай ҳолат Самарқанд вилоятининг «Алпомиш», «Дўстлик», Намангандаги «Умид», Тошкент шаҳрининг «Орзу», «Қувшли», ва Фарғона вилоятининг Сотиболдиёв номи оромгоҳида кузатилди. Боз устига жажиларни оромгоҳларга қабул қилиш тартиб-қоидаларига айрим жойларда риоя этилмади.

Республикаимиз ҳуқуқати фарзандларини ҳар томонлама барқамол, соғлом, хушқакчақ бўлиб ўсиши учун катта меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Бахтга қарши кимларнингдир айби билан оромгоҳларни сифатли озик-овқат, мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда муаммоларга дуч келинди. Жумладан, Фарғона вилоятининг «Чимён», Жиззахдаги «Жилғача», Намангандаги «Хумо», Тошкент шаҳрининг «Ёш қуч» каби болалар оромгоҳларида шу каби камчиликларга йўл қўйилди.

Оромгоҳларда тиббий хизматни йўлга қўйиш, биринчи ёрдам воситалари, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам камчиликлардан ҳоли бўлмади. Оромгоҳларда санитария меъёр талабларига риоя этилмаганлиги сабабли Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани санитария назорат ходимлари томонидан биринчи смёнанинг ўзида туман ҳудудида жойлашган 26 та оромгоҳ ходимига жарима солинди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш борасидаги ишлар сарҳисоб қилинар экан, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларга бўлган эътибор тобора сусайиб бораётганлигини ҳам эътибор эъти жоиз. Айрим ҳолларда улар хўжақўрсин учун ташкил этилган. Бундай камчиликлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, баъзи корхона, хўжалик, ташкилот раҳбарлари ўта муҳим масалага лозим даражада эътибор бермаёттирлар. Улар ҳамон баъзи «узрли» сабабларни рўқач қилишдан нарига ўтишмаётти. Булар шунчаки баҳона, холос. Масъулият чўқур ҳис этилса, болалар ёзги соғломлаштириш мавсумини қўнғилдагидек ўтказиш учун ҳамкору ҳамжамиятда ҳаракат қилинса, муаммолар албатта ўз ечимини топади. Буни тасдиқловчи ҳаётий мисоллар жуда кўп. Гап фақат ҳаракатга, ўта муҳим ишга виджонан муносабатда бўлишга боғлиқ, холос.

М.НИЁЗОВ




САНЪАТ КОШОНАСИДА

Гулистон туманидаги Деҳқонobod қишлоғида жойлашган Сирдарё вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатига 180 нафар бола рассомлик, зардӯзлик, мусика, ёғоч ўймакорлиги каби санъат турларидан тахсил олади. Айниқса, рассомлик бўлими талабаларининг ишлари устозлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Таъкидлаш керакки, республика кўрик-танловига голиб бўлган ёш рассомларнинг ишлари Миср, Хитой, Чехия, Польша, Хиндистон давлатларида ўтказилган болалар кўргазмаларида иштирок этиб, тахсинга сазовор бўлган.

Суратларда: Сирдарё вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатига ўз ишлари билан чет эл кўргазмаларида қатнашган иқтидорли ўқувчилар Жамшид Салимов, Акмал Раҳматуллаев ва Равил Зариповлар устозлари Абдурашид Ибраимов билан; ёш рассомлар ижодидан лавҳалар.

Муҳаммад КАРИМ (ЎЗА) олган суратлар



ҚОРБОБОЛАР СОВҒА ТАРҚАТМОҚДА

Мақтаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Хоразм вилоятида давом этаётган Янги йил тантаналарининг бош қаҳрамонлари 100 нафар Қорбобо ва шунча Қорқиз ҳисобланади. Улар профессионал ва ҳаваскор артистлар гуруҳлари билан бирга болалар муассасалари, мактаблар, меҳнат жамоаларида байрам томошалари кўрсатмоқда.

ЎЗА муҳбирига Хоразм вилоят ҳокимлигидан хабар беришларича, Урганчининг ўзида янги йилнинг илк уч кунинда ногирон болалар учун мактаб-интернатларнинг 1300 нафар тарбияланувчиси Қорбоболардан совға олди.

«Шухрат» медали соҳиблари

Ўша кун янги йил оқшоми эди. Қариндош-уруғлар маслаҳатлашиб, Маҳаматхоннига тўпналишди. Ўзи ҳам хушчак инсон, умр йўлдоши Мавлуахонни айтишганини, жуда меҳмондўст. Шу боис бўлса керак кўпчилик шу хонадонга ҳавас қилади.

Дастурхон безатилган, ҳамма жамул-жам. Энди шампан виноси очилаётганда кўча томонда кўнги-роқ жиринглаб қолди. Ана, қорбобо келди, деди Иброҳим.

Қорқиз совға-салом билан келгандир, деди Нилуфархон. Маҳаматхон Қодиров тезда отланди. Беморга қўлидан келган ҳамма ёрдами ни кўрсатди. Шу кеча қалбига яқин қишилар билан суҳбатлашиб, янги йилни тўқин дастурхон атрофида, оиласи ва қадрдонлари даврасида кутиб олиш унга насиб этмади. Лекин бир инсонни хатарли ҳолатдан кутқариб қолишди. Вақт ярим кечадан ошиб, тонг яқинлашганда уйга қайтди.

Шифокорнинг ўқиш даври, талабалик кунлари, йўлланма билан «Зафаробод»даги илк меҳнат фаолиятлари бугун ортада қолди. Ўзбекистон металлургия комбинати акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тасаруфидда тиббиёт

МЕТАЛЛУРГЛАР ЖОНКУЯРИ

соғломлаштириш қисмига ишга келганига ҳам мана 24 йилдан ошибди.

Чорак аср бир жойда меҳнат қилиб, одамлар дардига малҳам бўлиш катта бахт. Гоҳида мураккаб, жуда оғир жарроҳлик амалиётини ўтказишга қўллар, ҳамширалар унга далда бўлади, бор билимини ишга солади, тажрибасига таянади. Баъзи мураккаб операцияларда нигоҳлар бир нуктага қадалади, бутун тана терга фарқ бўлади, ҳатто соатнинг бир меъёрида уриб тургани ҳам эшитилиб туради. Инсон ҳаёти сақлаб қолинди. Шу касбни эгаллаганидан фахрланади.

Мана салкам йигирма беш йилдири Бекобод шаҳрида, бекободликлар билан бирга, одамлар орасида. Самарали меҳнат, изланишлар, тинмай ўз устида ишлаш изси қолмади. Хурмат, обрў орттирди. Қорқоннинг 60 йиллик юбилейи арафасида Президентимиз Фармонига асосан, бир гуруҳ турли касб эгалари қаторида Маҳаматхон Қодиров ҳам «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу мукофот унинг кўп йил-

лик фидокорона меҳнати баерилган муносиби баҳо бўлди.

Ватанимиз мукофоти, халқимизнинг биз шифо-

Чехрасида самимиёт уфуриб турган, ўрта бўйли, оқ халатли шифокор дарахлар орасида оҳиста одимлар келаётди. Ён-атроф орасталигидан баҳри-дили очилади. Бекобод шаҳри йил сайин гўзаллашиб бораётганидан қувонади. Одамлардаги ўзгариш, тиббиёт соҳасидаги юксалишдан илҳом олади. «Раҳмат доктор сизга, қўлингиз дард кўрмасин», деган сўз хаёлини бўлади-ю, у кишига юзланади. Қорқонда бир олам қувонч билан дил изхорини билдираётган кишига тикилади-да, ҳаётда ўз ўрни, ўз иси борлигини янада тирак ҳис этгандай бўлди.

Турсулони ХАЙДОНОВ, Темур Усмонов

Касаба уюшмалари бозор шароитида ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Изланиш, интилиш, фаолиятни давр руҳига ҳамоҳанг ҳолда ташкил эта олган касаба уюшмасигагина одамлар суянади, эргашади. Агрисаноат мажмуи ходимлари Гулистон туман кўмитаси ана шундай синови даврларни ўтказди.

Туманда бир варақайга ўн бир хўжаликнинг ёри фермерлар измига ўтди. Натижада мулкдорлар қўлида хизмат қилаётган меҳнатқашлар муайян муҳофазадан четда қолди. Далада ишлаётганлар меҳнати муҳофазасида қатор муаммолар пайдо бўлди. Масалан, «Ал-Барак» фермер хўжалиги даласида озгачи келишув асосида ишлаётган механизатор Жамолдин Ражабалиев иш пайтида бахтсиз ҳодисага учради. Оғир тан жароҳати олиб, ҳаётдан кўз юмди. Бундай кўнгилсизлик келишувда назарда тутилмаганда қабилида иш тутган фермер унга туланиши лозим бўлган нафақа пулларини беришдан бош тортиди. Касаба уюшма, ҳатто суд ҳам масалани ижобий ҳал этишда қатор муаммоларга дуч келди. Бу тумандаги биринчи воқеа эмасди. Ахир 766 та фермернинг гоҳо унис, гоҳо бунисида низоли муносабат туғилар, уни одил ҳал этадиган ҳақамга муҳтожлик тобора яққолроқ сезилиб қолаётганлиги. Шундай лаҳзада касаба уюшма ташаббуси ўз қўлига олди.

Тумандаги 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳудудий деҳқон фермер хўжаликлари касаба уюшма кўмитасини тузишга эришилди. Эътиборли жиҳати, жамоат ташкилотининг ўрни, роли мулкдорларга аниқ ва лўнда тушунтириб берилди. Муносабатларни ҳудудий келишувлар орқали белгилашди. Қисқа қилиб айтганда, Гулистонда касаба уюшма қамрови кенгайиб аъзолар сони ўсди. Янги тузилмадаги ташкилотга халқ хурмати, меҳрига тушган, эл-орт ўртасида обрў-эътиборли кишилар сайланди.

Ҳуш, бир йиллик натижа нималарда кўринди. Туманда муддати ўтган иш ҳақиқдан қарздорлик 30 фоизга қисқартирилди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлами қўллаб-қувватлашга сарфланаётган маблағ микдори кескин ўсди. Утган фурсатда туманда ана шу мақсадлар учун катта миқдорда пул сарфланди. 470 нафар аёл ҳомилдорликнинг 5 ойда пул туланишидан таътилга қузатилди. 1560 нафар кўп болали оналар иш ҳафтаси бир кунга қисқартирилди. 97 нафар ногиронга 1 миллион 179 минг сўмлик моддий кўмак кўрсатилди. Кам таъминланган хонадонлар, боқувчисини

йўқотган оилаларга 720 минг сўмдан ошиқ пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 130 нафар спиртнинг хўжалик ва фермерлар томонидан соғломлаштирилди. Туман мактаблари спорт залларини келишувларга мувофиқ фермер хўжаликлари таъмирлаб, жиҳозлашни зиммаларига олишди. Туман кўмитаси ва бошланғич ташкилотлар саъй-ҳаракати; мулк соҳиблари хайрихоҳлиги боис меҳнатга ҳақ тўлашда кескин юксалиш кўзга ташланди. Чунончи, далада ишлаётган ҳар бир меҳнатқашнинг ўртача ойлик даромади 60 минг сўмга етказилди. Фермер хўжаликларида 150 дан ошиқ цех касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, меҳнатқашлар муҳофазаси кўпайишига имконият яратилди.

Туманда аҳоли тигиз. Ўсиб-улғайиб келаётган авлод муаммоларини ҳал этиш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳам ташкилот назаридан четда эмас. Амалдаги йилда 300 та янги иш ўринлари яратилди. 2110 та янги оилага 316,5 гектар ер майдони яқка тартибда уй-жой қурилиши учун ажратилди. Мухим жиҳати шундаки, уй қуришга хўжалик ва фермерлар кўмагини жалб этиш касаба уюшма диққатида турибди.

Ишмиизда жонланиш тобора сезилапти. Бирок, ҳали бизни қийнаб турган муаммолар ҳам йўқ эмас, - дейди агрисаноат мажмуи ходимлари Гулистон туман кўмитаси раиси Юсуф Утаганов. - Хўжаликлар тугатилишидан бехабар қолган айрим меҳнатқашлар, меҳнат ногиронлари ўз ҳужжатларини тиклаш, ҳақларини ундириб олиш учун сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Эндилқда касаба уюшмаси ҳам тугатиш комиссиясига киритилиши ҳаракатини қилаяпти. Агар касаба уюшма вакили бу жараънинг бевосита иштирокчисига айланса кўнгилсизликларнинг олди олинади. Ташкилот меҳнатқаш муҳофазаси, унинг манфаати учун ишлайди.

Меҳнатқашлар саломатлиги, уларнинг дам олишини таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмапти. Утган фурсатда 245 нафардан ортиқ ишчи-ишчиликчилар мамлакатимиздаги турли санаторий-профилакторийларда саломатликларини тиклаб қайтишди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ касаба уюшма кўмитаси ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаьда ҳуқуқий ҳимоясида мустаҳкам қалқон, ишончли ҳамкорига айлиниб улгурди.

Ш.НУРУЛЛАЕВ, «Ишонч» муҳбири

Избоскан туманидаги 30-умумтаълим мактабига қадам ранжида қилишингиз билан бу ерда ҳамжиҳат, фидойи инсонлар меҳнат қилаётганига амин бўласиз.

Мақтаб ҳудуди янги келин тушган хонадондек озода, саранжом-саришта. Бир томонда теракзор, унинг ёнига эса чиройли қилиб шакл берилган дарактор. Яна бир томонда гул қаламчалари экилган томорқа. Киш совуғи урмаслиги учун кўчатлар ёғоч киписи билан кўмиб қўйилган.

Бугина эмас. Қандолат маҳсулотлари тайёрланган кичик қорхона ҳам ишлаб турибди. Катта таънаффусга кўнги-роқ қалинчи билан ўқувчилар енгил нонушта илинжида буфет ва ошхона томонга чуввос солиб шовилишлари шундан. Буфетлардан нархи арзонлаштирилган ширин қулчалар, печенье, булочкилар, пирожка, ёғлиқ сомсалар, бир стакан қандили чой ҳаммаса топилади. Таомнадан мазали, хушўр озиқ-овқатлар узилабди.

Мақтабдаги яна бир қўлайлик ҳақида. Бинолар марказий қозонхонадан истилади. Қутубхона, спорт зали, ўқув лабораториялари кундузги машгулотлардан сўнг ҳам болалар билан доим гавжум бўлиши шундан.

Билим даргоҳи ўқувчилар сонининг қўллиги билангина эмас, ўқув-тарбия ишларининг намунали

ТОМОРҚАДА ЯШНАГАН ГУЛЛАР

ўқитувчилар мураббийлик қилмоқда. Аксарияти олий тоифали устозлар. Уларнинг меҳнати туфайли ўтган йилнинг ўзида ўнлаб ўқувчилар олийгоҳларга қабул қилинди.

Халқ таълимини ривожлантириш умумийлиги давлат дастуридан кейин мактабда ўзингиз гувоҳ бўлган хайри ўзгаришлар оз берилди. Дастур ижросини таъминлашда касаба уюшма ташкилоти билан маъмуриятнинг ҳамкорлиги қўлланган самарани бермоқда. Айниқса, мактаб моддий-техника

Омилкорлик

базасини мустаҳкамлашда бюджетдан ташқари маблағ топиш борасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

5 сотих томорқада терак, гул кўчатлари қаламчалари парваририланди. Бунда ўқувчилардан тортиб ўқитувчиларгача уюшқоқлик билан меҳнат қилишди. Боз устига меҳнат ва биологиядан дарс машгулотлари томорқада таъкилиши ўқувчилар билимларини мустаҳкамлашда катта рол ўйна-

ди. 3-4 йил ўтгач томорқадаги қаламчалар ўз ҳосилини бера бошлади. Спорт залининг томи илгарилари маблағ таққилишидан таъмир талаб бўлиб, қудда чакки аримасди. Энди қимдан дир мадад қуттишга ҳожаат қолмади. Томорқадан чиққан ёғоч ҳисобига спорт зали томи ҳашар йўли билан қайта ёпилиди. Бундан ташқари, боғда етиштирилган сархил мевалар, томорқадаги гул кўчатларини сотишдан тушган сармоя ҳисобига ўқувчиларга иссиқ нонушта, тушлик ташкил

қилиш имконияти яратилди. Бунда директор Аҳмадхон Қосимовнинг ташкилотчилиги иш берди. Вазирлар Маҳкамасининг таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш ва қадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштиришга оид қарори таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш билан бир қаторда ўқувчи-ўқитувчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялиш қўламини кенгайтиришга катта турки бўлди. Томорқадан унумли фойдаланиш йўли билан жорий йилда 2 миллион 187 минг сўм сармоя тўллади.

Пул тоналган миң танга, деганлар. Қиссада сармоя бўлса, жамоанинг дасту узун бўлади, фаз-баракат уз-ўзидан ёғилаверади. Ишлаб топишдан сармоянинг 120 минг сўми қутубхона фондини кўпайтиришга, 265 минг сўми фан кабинетларини замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлашга сарфланди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари қўнига бир маҳалдан бепул нонушта билан таъминланган. Алъончи, иқтидорли ўқувчиларга стипендия жорий этилган.

А.ЎЗБЕК, «Ишонч» муҳбири

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан маълум қилишларича, мамлакатимизда фаолият юритаётган кредит уюшмалари сони яна биттага кўпайиб, йигирмага етди. Тошкент шаҳрида «Университет» номили янги кредит уюшмаси рўйхатга олинди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги бундай молия муассасалари ўз аъзоларига ажратган кредитлар микдори икки ярим миллиард сўмликдан ошди.

«ЎЗБЕГИМ» ҚЎЛАЙЛИКЛАРИ

Шаҳридаги «Ўзбегим» хусусий фирмаси туман аҳолиси учун янги автобус йўналишларини ташкил қилди. Энди шаҳрихоликлар вилоятнинг бошқа туман марказлари ва шаҳарларига ҳамда Фарғона вилоятининг қўшни аҳоли пунктларига бориб келиш имко-

нига эга бўлишди. Хусусий фирма тендерда голибликни қўлга киритиб, «Асакабанк»дан олган кредити ҳисобига 20 та «Отайул» автобусини сотиб олганидан сўнг ўз фаолиятини бошлади.

Шуниси эътиборлики, «Ўзбегим» фирмаси кам таъминланган, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга оливалй тadbирларни ўтказиш учун бепул хизмат қилади.

Шунингдек, фирма мутасаддилари яна автобуслар сотиб олиб, республикамизнинг бошқа шаҳарларига қатновчи янги автобус йўналишларини йўлга қўйиши режалаштирмоқда.

СИФАТ БОШ МЕЗОН

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув пахта тозалаш қорхониси 2004 йилда шартнома асосида деҳқонлардан 17500 тоннадан ортиқ қимматлиқ саноат хомашёсини қабул қилиб олди. Айни пайтда қорхонада «оқ олтин»ни қайта ишлаш қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача 6 минг тоннадан ортиқ

пахта қайта ишланди. Ярим тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган толарлар шартномага кўра хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Қорхонамиздаги пахтани қайта ишлаш технологиясининг аксарият ускуналари янгиланганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот микдори кўпайиб сифатини ҳам яхшилашга эришилди, - дейди қорхона тайёрлаш ва тайёр маҳсулот сотиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Розикўлов. Жамоа аъзоларининг самарали меҳнатлари туфайли қорхона ҳозирда вилоятдаги турдош қорхоналар ичида маҳсулот сифати бўйича етакчилик қилмоқда.

Ўз навбатида қорхонада ишчи-хизматчиларга меҳнат ва дам олиш шароитларининг етарли даражада яратилганлиги, меҳнатқашлар турмуш фаровонлиги ошириш борасидаги ишлар ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда.

ЎЗА, «Туркистон-пресс» ва «Ишонч» муҳбирлари

Шу сонга хабарлар

ХЎЖАЛИК ЗАВОД МАҚОМИНИ ОЛДИ

Қўрғонтепа туманидаги «Аваз» фермер хўжалиги водийда ақсори сифатли сўт етиштираётганлиги, мунтазам равишда сотдор буюқ олаётганлиги туфайли завод мақоми-ни олди.

Хўжалик раҳбари Комилжон Содиковнинг айтишича, бир йил давомида қирқта соғин сиғирнинг ҳар бирдан 5,2 тонна сўт соғиб олинди. Бошқа хўжалиқларга эса қирқтага яқин сотдор буюқ етказиб берилди. «Аваз» фермер хўжалиги ўтган йилда давлатга 170 тонна сўт топширди. Бу белги-ланган режадан етмиш фоиз кўп демакдир.

Чорвачиликни ривожлантириш ва сўт соғиб олишни кўпайтиришда мустаҳкам озуқа базасига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга, - деди Қ. Содиков. - Ҳозирги пайтда иктиборимизда 101 гектар экин майдони бор. Агрномларнинг маҳсулоти ва кўрсатмаси асосида юқори унум ҳаьда сифатли оқа озуқа экинлари эмоқдамиз. Ўз навбатида жониворлар аввалдан ишлаб чиқилган режа асосида парваришланмоқда.

КУТУБХОНАДА ЯНГИ ЖАМФАРМА

Анджон вилоятидаги Бобур номили кутубхонада ногиронлар учун янги китоб жамғармаси очилди.

Европа комиссияси ва ТАСИС дастурининг ҳамкорлик асосида «Ўзбекистон фуқаролик жаҳиятида ногиронлик масалалари бўйича ахборот захиралари» лойиҳаси доирасида кутубхонага икки юзтадан кўп китоб ва видеокассета келиб тушди. Лойиҳа жамоатчилик эътиборини ногиронлик масалаларига қаратишни, уларнинг ўқиши ва касб эгаллашига, уларнинг қизқирган масалалар бўйича ахборот олиш имкониятини кенгайтириши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур тadbир ташкилотчиларнинг фикрига кўра, ногиронлар ҳимояси борасида ҳали қилинмаж ишлар кўп.

МАҲСУЛОТ ТУЯ ЖУНИДАН

Қизилқум бағрида жойлашган Томди тумани марказида янги очилган кичик қорхона «Ипак йўли» деб номланди.

Унинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, мазкур ҳаьда тўқилаётган нарсалар фақат тўя жунидан тайёрланмоқда. Ҳам енгил, ҳам пишқик жун толаси иссиқни яқши сақлаши, экологик фойдали ҳаьда шифоли эканлиги билан ҳам ажралаб туради. Мазкур қорхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маҳаллий ширкатлар томонидан бино ажратилиб, қурилиш бригадаси ердамда таъмирланди. Илтиёзли кредит олинди, чет эл асбоб-ускуналари келтирилди.

«Ипак йўли» ҳеҳида бугунги кунда чўл аёлларидан 12 нафар ишчи қўлланмоқда. Улар орасида Ж. Серикбаева, А. Сансизбаева, Ж. Усенбаева каби бошқа тўқувчилар бор.

Тўя жунидан тўқилган эрқақлар ва болалар жемперлари тумандаги ширкат хўжаликлари аъзоларига тарқатилмоқда, - дейди мазкур кичик қорхона директори Салтанат Сиддикова. - Қолғусида маҳсулот турларини кўпайтириш ниятидими.

Н. ОБИДОВ, «Ишонч» муҳбири

2005 йил - Сихат-саломатлик йили БЕМОР ЕРГА ОЁҚ ҚЎЙДИ

Ромитон туманида яшовчи Қуларат Норбоев хонадонига ўғил туғилганида она аъзоларининг боши осмонга етган эди. Аниқ болақай тўрт ёшга қадам қўйса ҳам юра олмаг, бундан ота-она кун сайин изтиробга тушарди.

Гудакни Бухоро вилоят ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш марказига олиб келишди. Бола уч йил давомида доимий муолажа олгач, ерга оёқ қўйди. Оила аъзолари хурсандчилигининг чегараси йўқ эди.

Марказ фаолиятига оид бундай мисоллар кўп. Бу ерда 16 ёшгача бўлган ногирон, ақли заиф болалар даволанади. Шифохонада тиббиётнинг самарали усуллари ёрдамида қўллаб кичкинтойлар дарддан фориб бўляпти.

Кўзатишларимиз касалманд болалар асосан қариндош-уруғлар ўртасидаги ниҳодан туғилаётганини кўрсатапти, - дейди вилоят ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш маркази врач Зулхайо Алиева. - Ҳомилдор аёллар соғлигига ҳам оилада жиҳдий эътибор бериш лозим. Бундай пайтда аёл оқумли касалликларга, ҳатто гриппга чалинса ҳам чақалоннинг носоглом туғилиши эҳтимоли кўнади.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан янги йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши аҳоли соғлигини янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни соғлом воёга етказишга қаратилган доимий эътиборнинг узвий давомидир.

(ЎЗА)

раманд бўлиши керак, - дейди хўжалик касаба уюшма кўмитасининг ра-

ганида ишловчиларнинг 22 киши магнитафон, 85 сувчи ва механизатор рўзгор жиҳозлари билан

кетган фуқаро Хурсаной Тўқлиевага беминнат ёрдам кўрсатилди. Унга хўжалик қурилиш захирасидан 11 минг дона гишт, 50 минг сўм ёрдам пули берилди.

Хўжалиқда фақат ишловчиларнигина эмас, уларнинг фарзандларини соғ-саломат воёга етишлари, жаҳиятимиз учун муносиб кишилар бўлиб камол топишлари учун ҳам алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Жумладан, ўтган ёзги таътил пайтида 20 ўқувчи оромгоҳларда хўжалик ҳисобидан бепул ҳордиқ чиқариб қайтди.

МЕҲНАТ НОНИ ШИРИН

ис Гулчехра Хайдарова. - Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилганда шу масалани бош мақсад қилиб белгиланмиш. Дарҳақиқат, ушбу ҳуқуқий ҳужжатга биноан меҳнатқашларни рағбатлантиришга эътибор қўйилди. Фалла тайёрлаш режаси уудалан-

ди. Ногиронларга, кўп болали оилаларга ва ёлғиз қарияларга эса бепул берилди. Пиллачилик бўйича илгорлардан 15 нафари рағбатлантирилди. Пахта тайёрлаш режаси адо этилганда эса унинг самарасидан янада кўпроқ одам баҳраманд бўлди. 75 нафар илгор теримчи гилам, 15 нафар киши телевизор,

мукофотланди. Ишловчиларнинг тақдирлаш тadbирларидан касаба уюшмалари ҳам четда қолмади. Умуман, хўжалиқда ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масаласи маъмурият ва касаба уюшмаларининг ҳаммашида диққат-эътиборида. Масалан, бахтсиз ҳодиса туфайли уйи ёниб



Фулор ХИДИРОВ олган суратлар

ЯНА БИР ИЗОХЛИ ЛУГАТ

Мамлакатимизда яна бир йирик изоҳли луғат намунаси яратилди. «Ўзбекистон республикаси изоҳли луғати» деган номда босмага тайёрланган мазкур тўплам ўқув қўлланмаси янглик китобхоналарга тақдим этилди.

Стандарт – сифат кафолати. Ушбу қондага амал қилиб фаолият юритаётган Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази ходимлари ҳар бир маҳсулотни синчковлик билан назардан ўтказишади.

Суратларда: марказнинг етакчи мутахассислари М.Шеримбетова ва М.Абдусатторов.



Фулор ХИДИРОВ олган суратлар

Ўзбекистон Президентининг «2004 - 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва шу ҳақда эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорини андижонлик маорифчилар ҳам қувонч билан қўлиб олдилар.

Чунки ушбу ҳужжатларда таълим тизими моддий техника базасини мустаҳкамлаш баробарида жаҳон андозларига мувофиқлаштириш, энг муҳими, фарзандларимизни билимдон, доно, кучли, бахтиёр инсонлар қилиб вояга етказишдек улғувор мурдао ётади.

Мактабларни компьютерлаштириш, янгиларини қуриш, эскиларини тўлиқ ва жорий таъмирлашга қаратилган кенг қўламли тадбирлар вилоят ва туманларда авж олдирилмоқда. Қурилиш ишларида танлов йўли билан тендер савдоларининг йўли қўйилиши, ҳар томонлама қўлай, кўркам, замонавий муҳташам мактаблар барпо этиш имконини бермоқда.

Андижон шаҳридаги «Гривит» хусусий, ишлаб чиқариш фирмаси қурувчилари ана шу тендер савдоларида ютиб чиқиб, Қўрғонтепа туман, Дехқончек қишлоғидаги 17-умумтаълим мактаби биносини тўлиқ реконструкция қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада ҳалқ таълими бўлими билан фирма ўртасида 40 миллион 880 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши юзасидан шартнома имзоланди. Унда келишилганидек, фирманинг вилоят акционерлик-тижорат «Миллий банк»да очилган ҳисоб рақамига бююртмачи томонидан ажратилган пул маблағлари босқичма-босқич ўта бошлайди.

Этилмаган. Қўза кунда эмас, кунда синади, дейдилар. Вилот Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси мутахассислари томонидан мактабдаги капитал реконструкция ишларини назорат ўлчовидан ўтказдилар. Тегиришда фирманинг айби билан объектда қурилиш ишлари сифатсиз бажарилганлиги, ижро ҳужжатлари нотўғри юритилганлиги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари камситилганлиги, бу билан бююртмачига 1 миллион 204 минг 700 сўм моддий зарар етказилганлиги аниқланди.

МАКТАБНИ ТАЪМИРЛАШДАГИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу юмушларга фирма-нинг ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи Баходиржон Қаримов етакчилик қилди. Лекин унинг қўлида қурилишга масъулликни тасдиқловчи фирма бошлиғининг бўйғури йўқ эди. Устига-устак, объектни таъмирлашда ишлатилаётган қурилиш жиҳозлари ва ашёларининг фойдаланишга яроқлигини қўрсатувчи мурофилик сертификати йўқлигига нима дейсиз? Амалбетга кўра Б. Қаримов кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар ҳажми, сўмдаги миқдори бўйича бююртмачига ҳисобот топшириш шарт бўлгани ҳолда, бу талабга ҳам риоя

«Ишонч» бонг уради

қилиш-қировли кунларга-ча давом этаётганлиги бизни ўйлантирди. Бу ҳақда гап бошлашимиз билан мактаб директори Абдугани Раҳмоновнинг ҳасратидан тутун чиқиб кетди.

«Тога ичимлик сув, газ таъминоти дейсизми? Буларга қачон етишамиз - билмадим. Эшикларнинг тутқичлари яроқсиз бўлганидан фаррошларимиз ювгандан кейинқоқ ўнгиб кетяпти. Бунинг устига очилса, ёпилмайди.

Юқори қаватларга қўтарилмаган пиллапоярларнинг қопламаси кафеллардан ясалганга ҳайрон бўлдиқ. Ахир болалар бу пиллапоярлардан сирганиб кетиб, жароҳат олиши мумкин.

Ошхона ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Бу ишга энди қўл урилмоқда. Қозон, электр жиҳозлари, махсулот сақланадиган шкафлару ускуналар ўрнатилди, инвентарлар келтирилди, мактабнинг ўзида йиғилди. Унга ишлатилган ёғочнинг ҳар бир квадратни 261 минг 501 сўмдан нарҳлангани ақлга сиғмайди.

Савол туғилади, эшик ёки дераза ишлаб чиқарилган кичик қорхона наҳотки Андижон вилоятида топилмас? Харажатлари кўпайтириб ёзишлар, ошқоқ нарҳ белгилашлар бююджет маблағларини исроф қилишга олиб келмайдими?

Мазунни чуқурроқ ўрганиш мақсадида яқинда мактабда бўлиб таъмирлаш ишларининг бориши билан қизқидик. Аввало бу юмуш ўтган йили биринчи кўнги-роққа ниҳояланиш ўрнига

деб расмийлаштирилди. Аслида эшик блоклари қаердандир келтирилди, мактабнинг ўзида йиғилди. Унга ишлатилган ёғочнинг ҳар бир квадратни 261 минг 501 сўмдан нарҳлангани ақлга сиғмайди.

Дунёга келиб, лойига билмай бота қолдим, Дармон йўқидин захри балосин юта қолдим.

Кўрдум мен уни - душмани руҳу тан экандур, Ло ўқи билан икки кўзига ота қолдим.

Майхонага кирдим - била қолдим қуварини, Масжидга кириб, зоҳиди яхдек қота қолдим.

Зоҳид, менга - бир шишада май, сенга - намозинг. Минг тақвони бир қосан майга сота қолдим!

Ваҳдат майини пири мугон илқидин ичтим, Мансур киби бошим дорга тутта қолдим.

То телбалигим шўхрати олгани тугубдур, Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим!

Айб этмангиз бу Машраби беҳудин, ёрлар, Найлайки, бу гурбат қўчасидин ўта қолдим.

Тасаввуф адабиётида хоҳ тимсолу ташбеҳлар, хоҳ тўғридан - тўғри бўлсин, дунё танқиди асосий ўрин тутди. Чунки дунё - ўткинчи, дунё - бевафо, дунё - душман, қўйингки, у барча ёмонликлар тимсоли. Дунё - инсонни ўз яратувчисидан ажратиб турган парда. Дунё - инсоний камолот йўлида тўсиқ. Дунё - Оллоҳ ва фаришталар мавжуд ҳақиқий оламнинг сурвати, сояси, демакки, ҳақиқий эмас. Дунё - кўнглини поклаб, руҳни оқсаттирадиган, инсон майдон. Шундай экан, инсон ҳақиқий оламга интилиб яшashi ва бу фаний дунёнинг алдамчи неъмат ва лаззатларига алданиб қолмаслиги керак.

Тасаввуф адабиётида дунё нозу ишва билан одамларни йўлдан урадиган, лекин ҳеч қимга вақо қилмайдиган, паранжи - чачвон ичида навиҳолқ қизга ўхшаб қўринадиган, бироқ яқинига борсангиз, қадди эгилган, тишлари тўқилган қари шум кампир қўёғасида тасвирланади ва унинг макрига илинмасликка даъват этилади. Афсуски, биров нафс қўқусига ўчиб, биров гўрлигидан чўч тушиб, қўпича бу «ози ялтироқ, ич қалтироқ» нозанининг нозу қарашмалари домига илинади.

Бобораҳим Машраб ижодида дунё ва нафс танқиди етакчи макега эга. Жумладан, мазкур ғазалда ҳам боқий ва фаний дунё, илоҳий ва мажозий муҳаббат, сўфий ва зоҳид, мариҳона ва хонақоҳ, жисм ва руҳ, тариқат ва шариат каби истилоҳ - тушунарларни қарама - қарши қўйиб орақли фаний дунёдан боқий дунёнинг, мажозий муҳаббатдан илоҳий ишқнинг, жисмдан руҳнинг, хонақоҳдан майхонанинг, шариатдан тариқатнинг, зоҳиддан сўфийнинг устулини, афзаллиги таъкидланади. Шоир наздида дунё бамисоли ботқоқ, унга қўнғил қўйган киши тобора бу ботқоққа ботаверади. Ботқоққа ботган кишининг ичига унинг ифлос сувлари ҳам киргани каби бу дунёга келиб, таърибасизлигини туйғайли мен ҳам унинг ёлғон ваздаларига ишониб алданганман ва биллиб - билмай бир қадар гўноҳларга ботганман, деб эътироф этади:

Дунёга келиб, лойига билмай бота қолдим, Дармон йўқидин захри балосин юта қолдим.

Лекин у тезда ақлини йиғиб, ўзини англади: дунё отлиб бу гўзалнинг тан ва руҳинг душмани эканлигини билиб, ло ўқи билан унинг икки кўзига отиб қўр қилади (Араб алифбосида лом (ل) ва алиф (ا) ҳарфлари қўшиб ёзилганда, «ло» - худди ханжарга ўхшайди. Шоир «ло» ўқи билан деганда шунга ишора қилмоқда):

Кўрдум мен уни - душмани руҳу тан экандур, Ло ўқи билан икки кўзига ота қолдим.

Бу билан шоир дунё менга душман эди, мен уни ўзим учун зарарсизлантириб, яъни дунё деган нозанининг аслида тасқарна кампирлиги менга аён бўлди. Бас, энди у сира ҳам мени йўлдан урломайди, дейди. Майхонага кирдим - била қолдим қуварини, Масжидга кириб, зоҳиди яхдек қота қолдим.

Майхона - тасаввуфда шавқу, зав-

Бир ғазал шарҳи

ку илоҳий файзга қон қонил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносидан ҳам келди. Масжид эса, сўфийлар назарида, фақат тоат - ибодат қилинадиган, яъни диннинг зоҳидий аҳқомлари бажариладиган жой. Майхонада - чи, илоҳий ишқ сабоғи берилди. Холбуки, инсонни Оллоҳга унинг тоат - ибодати эмас, балки кўнглидаги муҳаббатни яқинлаштиради. Бу сўфийларнинг қарашлари билан боғлиқ: улар учун Оллоҳга етказадиган асосий восита - муҳаббат, қолган барчаси иккинчи даражали, ҳатто тоат - ибодат ҳам. Чунки кўнглида Оллоҳга муҳаббат бўлмаса, тоат - ибодатдан фойда йўқ, аксинча, киши илоҳий муҳаббатга тўлиб - тошса, тоат - ибодатга ҳоҳат йўқ. Худди шунга ўхшаш масалаларда тариқат ва шариат аҳли ўртасида итилоҳ келиб чиққан. Албатта, барча сўфийлар ҳам бундай қарашни илгари сурмаганлар, лекин шундай ботил тариқатлар ҳам кўп бўлган. Ҳақиқий тариқатларнинг

«БИР ЖИЛВАСИГА ИККИ ЖАҲОНДИН ЎТА ҚОЛДИМ»

қоидадасига кўра, тариқатга шариатсиз кириб бўлмайди. Аҳмад Яссавий таъбири билан айтганда, шайтон келиб, бундай кишининг иймонини ўғирлаб кетади.

Тасаввуф аҳли ақидасига кўра, ошқ бутун фикру зикрини ягона Оллоҳга қаратган, бу йўлда ҳатто икки дунё, жаннатду дўзахни ҳам назарга илмайди диган киши. Унинг мақсади ёлғиз Оллоҳ. Маълумки, қиёматда Оллоҳ ўзининг ҳоқ бандларига жомолини қўрсатишга ваъда берган. Ошқ ана шу илоҳий жомолининг бандаси. Агар ошқ жаннатга тушса - ю, унда Оллоҳ жомолини қўрсатганда унинг жаннатнинг дўзахдан фарқи йўқ, аксинча, Оллоҳ жомолини қўрсатадиган бўлса, жаннат ҳам дўзах афзал. Машрабининг майхонага кирар экан, илоҳий ишқ ўтидан қўйишимни билдим, лекин масжидга ўтишим билан қалби муз зоҳиддек қотиб қолдим дейиши бежиз эмас. Хўш, қўйган яхшими ёки қотиб қолган? Албатта, қўйган. Байт замиридан ҳам худди шу - масжидда қотиб қолгандан кўра, майхонада қўйиб қул бўлгани яхши деган маъно аниқлаштирилади. Бу фикр кейинги байтда авж пардага қўтарилади:

Зоҳид, менга - бир шишада май, сенга - намозинг.

Минг тақвони бир қосан майга сота қолдим.

Тасаввуф истилоҳотида жом, қадаҳ ва унинг маънодошлари, жумладан, қоса ҳам-қўнғил, май эса илоҳий ишқ рамзи бўлиб келади. Бир қоса май - илоҳий ишққа лиммо - лим бир қўнғил. Инобарин, минг бир тақво тоат ҳам илоҳий ишқ тўла бир қўнғилнинг ўрнини босолмайди.

Ваҳдат майини пири мугон илқидин ичтим, Мансур киби бошим дорга тутта қолдим.

Ваҳдат - Оллоҳ таолонинг ягоналиги, тахвид. Диний мазмунида у Оллоҳнинг бирлиги, танҳолигига эътиқодни билдирди. Тасаввуф аҳли наздида ваҳдат Оллоҳ таолонинг ягоналигини тан олишдангина иборат бўлмай, балки у билан бирлашиб - қўшилиб кетишга интилишни ҳам аниқлатади. Дунё, нафс, жисм ташвишларини маҳв этиб, бутун фикру зикрини ёлғиз Оллоҳга қаратиш. Бу макорға эришган орифнинг борлиги фақат Оллоҳ муҳаббати билан тўлиб - тошадими, у дунёга парво этмайди.

Ваҳдат майи - Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган май. Ривоятларга кўра, Мейроҳ чоғида Мухаммад алайҳиссалом Оллоҳ ҳузурини ёлғиз айланди тўлган эканлар. Шунинг учун ҳам пайгамбаримизнинг: «Менинг ҳузуримда илоҳий май бор» - деган сўзлари мавжуд. Муғ сўзининг луғавий маъноси оташ-

Табиат ва инсон

МОЛ БОҚИШ ЯХШИ

лекин уни ветеринария назоратинан ўтказишни унутмайлик

Ҳайвонлар қўпгина касалликларнинг манбаи ва тарқатувчиси эканлигини ҳисобга олиб, вилоят ветеринария бошқармаси ходимлари назорат ишларини узлуқсиз олиб боришмоқда. Бунинг натижасида касалликлар пайдо бўлишига йўл қўйилмапти. Вилот ҳокимлигининг фармойиши билан 119 та ветеринария участкаси ўрнига 409 та ихтирослашган манзил ташкил этилди.

Лекин айтиш керакки, бу соҳада мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилмайдиганлар ҳам учраб туради. Масалан, бурноғи йили 2655 нафар шахсга 5 миллион сўм жарима солинди. Натижада ўтган йилда қонунбузарлар анча камайди.

Чорва моллари ва ҳайвонларни ветеринария назоратидан ўтказмаган кишилар бошқалар саломатлигини ҳам хавф-хатарга қўйишни унутмаслик керак. Фикримизча, маҳалла фаоллари шу ҳудудда боқилаётган чорва моллари ва уй ҳайвонлари назоратдан ўтказилишини талаб қилишса, айни мурдао бўларди.

Айтайлик, Самарқанд шаҳри ҳудудида 1000 бошга яқин қорамол, қўй-эчки,

юзлаб бош чўчка, минглаб парранда боқилади, кўплаб ит-мушук сақланади. Ошхоналарда хашам учун бургут; товус; қирғовул, қалқик, бедана асрашади. Етти хазинанинг бири ёки гўзаллик тимсоли ҳисобланган бу жониворлар безарар бўлиши ҳам мумкин.

Самарқанд шаҳрининг марказида яшовчи Я.Волкова ўз уйда чўчка боқиб, ветеринария, озодлик, гигиена қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун бу кичик чўчкахона ёпиб ташланди. Қимёганлар қўрғон фўқароси Х.Худойкулова ҳам уйда чорва моллари боқиб, мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилмаган. Оқибатда у жарима тўлашга мажбур бўлди.

Кейинги вақтларда шаҳарликлар ҳам қўй-қўзи боқишга уринишяпти. Бироқ уларни ветеринария назоратидан ўтказишни пайсалга солишади. Бундан ташқари, қўча-ҳиёбонларда қаровсиз қолган уй ҳайвонлари учраб туради. Бундай ҳолатларга сира эътиборсиз бўлмаслик керак.

М.ИСАЕВ, Самарқанд вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда сайёҳлик хизмати кўрсатиш жараёни тобора кенгайиб бормоқда. Шунга кўра чет эллик меҳмонларга транспорт хизмати кўрсатишни давр талаби асосида ташкил этиш зарурияти ҳам туғилмоқда.

САЙЁҲЛИК ХИЗМАТИ

«Ўзбектуризм» миллий агентлиги ана шу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида қатор тадбирларни кўрмоқда. Белоруссиядаги Минск автомобил заводи томонидан янги ишлаб чиқарилаётган туристик автобуслардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

«МА3-251» русумли комфортабелли бу хил транспорт воситаси йўловчиларга қўлай бўлиб, сайёҳлик ишларини кўнглидагидек ташкил этиш имконини беради.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, «МА3-251» автобуслари таъриба-намуна нусхаларидан айирмалари бундан олдин Ўзбекистонга юборилган эди. Улар синов қўриғидан яхши ўтди.

Махфуза Учқўрғон шаҳрига келин бўлиб тушган. Янги шариатга қўйниш осон эмас, шу боис онасини тез-тез кўрмасиз туролмайди. Бу гап оёқсиздан хавотир тортиди. Наҳотки, олти кўнаирки, ўзидан дарак бермаса. Бунга оdatи йўқ эди-ку! Ё кўнгироқ қилар ёки Учқўрғонга бозорганим, бирон юмуш билан йўли тушса, «лип» этиб кўриниши бериб кетар, ё бўлмаса, кимдандир салом айтиб юборарди.

Бола-да, чидаб тура олмайди. Ҳамза фўқаролар кенгашига қарашли «Чорвадор» маҳалласига қараб йўл олди. Дарвозани қанча тақиллатмасин, ҳеч ким очмади. Ниҳоят, ичкаридан ўгай ота кўринди. У Махфузани таниди-ю, лекин, дарвозани очмади.

Онанг Наманганга, қариндошлариниғизниқига кетган, - деди. - У ёқда қариндошимиз нима қилади? - дея ҳавоб қайтарди Махфуза. - У ёғини мен билмадим, келса ўзидан сўрайсан.

Махфуза дарвоза очилмагач, пича турди-да ортга қайтди. Орадан яна икки кун ўтди. Онасидан ҳамон дарак бўлмади. Кишлоққа қараб йўл олди. Хар қанча тақиллатмасин дарвоза очилмади. Жаҳли чиқиб девордан ошиб ўтди. Онасининг эри кўринмас, ҳовли этағида икки эркак чўқур қавлашётганди. Улар бегона эмас, ҳамқишлоқлари экан.

Сиз дарвозани очманганимизга ҳаф бўлманг, хўжайида ҳеч кимни қирлатмансан, ўзим «ғир» этиб фалон жойга бориб келаман, деганда. - Махфузадан уэр сўрашди ичкаридагилар. - Нега чўқур қавлая-

Бундайларни ким деб атайлик?

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги «Пахтақор» қишлоқ фўқаролар йиғинига қарашли Ёлғизобод маҳалласида яшоб келган Қўқор Хурбөөв умри давомида бирон жойда ёлчиғи ишламаган, енгил-ёлли ишлар билан шуғулланиб кун ўтказиб келган. Кейинги пайтларда узоқ-қинга қатнаб мардикорчилик қиладиган, қаер-

каттагина таёқ топиб келди-да, аёлнинг боши ва бўйнига уриб аёвсиз қалтаклашга тушиб. Аёл ётган жойида жон таслим қилди.

Қ.Хурбөөв хотинни ўлдириш билан қифояланми қолмади. Энди уй эгасининг сандигини қовлашга тушди ва у ердан 59 минг сўмлик хар хил нарсаларни умарди. Унинг бир қисмини Учқўрғон бозорига пуллади. Қолганини эса ўз уйига олиб кетди.

Халқимизда марҳумни ёмонлаб бўлмайди, деган гап бор, - дейди шу мавзуда сўхбатлашар эканмиз, вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси Мўминжон Бобомирзаев. - Лекин, барибир, ушбу жиноятнинг юз беришида Р. Мисированинг ўзи ҳам сабабчи бўлганлигини айтиб ўтмасдан бўлмайди. Агар у тайини йўқ одамни уйига қиритиб олмаса, янада ҳаёти ҳазон бўлмасди. Қўқор Хурбөөвнинг уйда-да болалари ва хотини була туриб ўзга ерларда санкининг оdat қилиб олганлиги, ҳалол билан харомни фарқламаглиги бошига шундай қўрғиликни олиб келди. У суд ҳукми билан узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳўкм қилинди.

Обиджон ЖУМНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

ТУНДАГИ ҚОТИЛЛИК

ганларни ҳовлидан чиқариб юборди ва ичкари уйлари кўздан кечирган бўлди-да, онасининг нега бир огиз айтмасдан Наманганга кетганига боши қотди. Қўниқўннилар ҳам бирон жўяли гап айтишмади. Рислиғойнинг кўринмай қолганига ҳайронлиқларини билдиришди, ҳолос. Хуллас, ҳеч қандай дарак топмасдан тўғри ортига, Учқўрғонга қайтди.

Махфузанинг укаси онасининг гапларидан кейин хавотирлана бошлади. У ҳам девордан ошиб тушиб атрофни синчиқлаб кўздан кечира бошлади. Янги қовлаётган чўқурдан одат чиқарди. Бир гап кўчадан қайтган аёл дам қонлига ётганда ҳар олишга ётганда ҳар олишга рашқ қарасаки, онасининг жасади...

Махфузанинг укаси онасининг гапларидан кейин хавотирлана бошлади. У ҳам девордан ошиб тушиб атрофни синчиқлаб кўздан кечира бошлади. Янги қовлаётган чўқурдан одат чиқарди. Бир гап кўчадан қайтган аёл дам қонлига ётганда ҳар олишга рашқ қарасаки, онасининг жасади...


ФАРЗАНДА ОДОБИ БИЛАН

Тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилади. Оилавий ҳаётнинг бош мақсади болалар тарбияси, бу тарбиянинг бош мактаби ота-онанинг шахсияти, ўзаро муносабати. «Эй, инсон! Фарзандни дунёга келтирдинг сенсан, - дейди алломулардан бири, - Уни ҳазрати инсон даражасига отқазиб ҳам сенинг вазифингдир. Унинг жисми соғ бўлиши учун қанчалик жон куйдирсанг, қалбининг поклиги ва руҳий ҳаёти учун ҳам шунчалик қайғур, унга марҳамат қил. Роҳат қилмоқчи бўлсанг, захмат ҳам чекайлик. Роҳат захматдир, захмат эса роҳатдир.»

Инсонни соғлом муҳит, буюм ва нарсалар, воқеа, ҳодисалар, китоблар, аммо энг аввало ва ақсарият ҳолларда атрофидаги одамлар тарбиялайди. Булар орасида ота-она, ўқитувчилар, кўни-қўшни, маҳалладошлар биринчи ўринда турадилар. Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарсани ибратдек қучли таъсир этмайдиган ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ. Улуғ педагоглардан бири шундай деб таъкидлаган эди: «Боланинг

қобилиятини ўстиришсалар, бу дунёда ҳам, охираб ҳам ота-онанинг юзи ёруғ бўлади. Дунёвий, шаръий бурч ва вазибаларини адо этгандагина ота-она фарзандлар олдида иззат ва эҳтиромга эришади. Бу вазибаларнинг биринчи ўринда турганидан даврдан, айниқса, уларга тенг ва баробар назар билан қараб, айримларини камситмасликдир. Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида бир саҳоба келиб, ўғилларидан бирига катта совға берганини айтганда, ул зот «Уша совғадек совғангиз бо-

ни оналар қўлидадир. Ота-онанинг фарзандга муҳаббати кўр-кўрона бўлмаслиги керак. Боланинг ҳамма талабларини бажаравериш, уни ширинликлар, совғалар билан сийлайвериш қалбини мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Болаликка буюқ хурмат-эҳтиром билан қараш лозим, бироқ болага саҳда қилиш ақдан эмас. Улғайганда у кўп курбон беришларини талаб қилади.



Болани гўдаклигиданок шундай шарт-шароитга қўймоқ керакки, токи у жамоат билан бирга яшасин, ўйнасин, меҳнат қилсин, ўз қувонч ва қайғуларини ўртоқлари билан бирга баҳам кўрсин. Билан фақат ота-онагина эмас, балки жамоат назорати остида бўлсин. Бир болага етти қўшни ота-она, деб бежиз айтилмаган.

Кўйиб бering, боланинг елиб-югурсин, ишласин, талашиб-тортишсин. Бола бўлса, шўх бўлсин, дейишадик-ку.

Бола уни урган, хўрлаган кишидан нафратланади. Болани эъозлаш, унга ўрнак кўрсатиш, унга ширин муомала қилиш, меҳр-шафқатли бўлиш ҳар қандай эҳтишом, жаза, дўшманликдан кучлироқ таъсир этади.

Вақти-соати етиб бандаликни бажо келтирганнингизда қабрингиз устида «Биздан рози бўлинг, ота», «Биздан рози бўлинг, она, жойингиз жаннатда бўлсин» деб йиғлашлари учун фарзандларингизнинг кўз ёшини тўқмасликка ҳаракат қилинг.

Азиз муштарифлар, сиз оқ ювиб, оқ тарай волега етказган солиҳ фарзандларингиз сизга раҳмат келтирсин. Суякули дилбандларингизнинг роҳатини кўринг.

Мирза Анвар КАРИМОВ

Тошкентдаги Ўрол Тансиқбоев уй-музейида истеъдодли ёш рассомлар кўргазмаларини намойиш қилиш яхши аъёнага айлиб қолди. Бундай маданий тадбир умидли хаваскор рассом Сухроб Қурбонов кўргазмасини ташкил қилишдан бошланди.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ушанда бу экспозициядан унинг 20 дан ортқ асари ўрин олган эди. Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида тахсил кўраётган бу истеъдод эгаси навбатдаги ижод намуна-

ларини яқинда Тошкентга юборди. Унинг бу сафарги кўргазмаси Халқаро «Карвон сарой маданияти» даргоҳида намойиш қилинди. 60 га яқин расми ўз ичига олган мазкур кўргазмада табиат манзаралари ақс этган картиналарга кенг ўрин берилди.

Коллежнинг ижодкор ўқувчиси машур рассом Ўрол Тансиқбоев уй-музейида янги йилнинг баҳоридан очиладиган кўргазмада ҳам қатнашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Улуғ зот Хожа Аҳрор Вали таваллудининг 600 йиллиги олдидан қатор китоблар босмага тайёрланди.

Хабарлар оқимидан

ди. Шуллардан бири «Хазрати Хожа Вали насабнома-си» деб номланади.

АХРОРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ҲАКИДА КИТОБ

Бу нуодир асар форс тилида ёзилган бўлиб, улуг зот ҳаёти билан боғлиқ тарихий маълумотларни ўз ичига олади. Аҳрорийлар авлодига мансуб олим Аҳрорхон Усмон ўғли томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, босмага ҳозир-

ланган мазкур тўплам тарихий маълумотларга бой.

Хожа Аҳрор сулоласига доир шажравий маълумотлар китобдан қизиқиш уйғотади. Ушбу нашрда баён қилинишича, бугунги кунда аҳрорийлар қавмлари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона вилоятларида, Тожикистоннинг Панжакент, Хўжанд, Душанбе каби шаҳарларида яшаб келишмоқда.

«Хазрати Хожа Аҳрори Вали» китоби «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан кўп нусхада босиб чиқарилди.

А.АЛИЕВ

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚИЗАЛОҚ БОР

Зарифа ишдан келиб оқватга унанди. Сўнг кир ювди, чанг-чунгини артки. Ҳар кун юмуш қилаётганида «Онажон, ўринг мен билан бирпас ўтиринг» дейдиган қизалоқ ҳозир негидан кўринмасди. «Е мазаси бўлмай қаровотида ётганмикин?» Аёл ташвишланиб, ичкари уйга бош сукди. Беш ёшли қизалоқ диванда оёқларини чалиштириб (худди онасига таклид қилиб) ўтирар, тиззасида эса ўйинчоқ телефон, унинг жажжи гўшагини қулоғига қўндириб ким биландир «берилиб» сўхбат қилмоқда эди. Зарифа кизкиб бир зум қулоқ солиб турди.

- Алло, яхшимисиз, ўрғулай. Боримисиз? Мен-ми? Мен яхшиман, - дер эди қизалоқ бош иргаб. (Сўнг яна сўхбатини давом эттирди) - Кеча телефон қилганимда йўқ эдингиз, дейсизми? Вой, ўртоқжон, кеча ишдан чиқиб дўкон айланганман. Нега деб сўранг. Кизимнинг боғча опаларига совға қилдимкин. Ҳа, Келсам, дадасиям хуноб бўлди, оқват кечикди, деб. Дўконга борганимни айтсам, «Ҳар бирига биттадан пайпоқ олиб қайтавермайсанми?» дедилар. «Ҳозирги боғча опаларни пайпоқ билан алдаб бўларканми?» дедим. Тўғри-да, шундай ота-оналар борки ҳар биттасига фалон пуллик устийим совға қилишди. Нима олдингиз, дейсизми?

Хрустал олиб қўяқолдим. Ҳар бири беш мингдан. Ҳамма маошим шунга кетди. Ўзингиз нима олдингиз? Бир кийимликдан велюр? Ҳа, энди сиз икки жойда ишлайсизда, ҳамингиз кўтарайди. Нима? Ўтган кунги чарларда кўринмадингиз дейсизми? Ҳа, мазам бўлмай ётудим, уйда. Қон босимим сал охибди. Ҳозирми? Анча яхшиман. Дори-дармон қилувдим, ўтиб кетди...

Ҳўш, қалай, бўлди, чарлар?

Ҳажвия

Ун хил оқват тортишимми? Зўрку! Элликта аёл бўлиб бордингларми? Жой етдим, ишқилиб? Айвонгам ўтиришимми. Яхши. Сарполардан гапирсангиз-чи. Нима? Тилла буюмлари бир сидрадан эканми? Вой, ўлмасам? Нега оз? Ҳм. Қолганини бешик тўйида қиламан, дедимми? Ҳа, бешик тўйида ҳам ҳозир икки сидрадан тилла буюм қилишяпти. Ўтган кунги холаминикига борганда кўрдим. Нақ ўн донна тилла нарса берди, кизига. Ўзим бирма-бир санаб турдим. Менга қаранг, ўзингизам ҳаракатга тушиб қолгандирсиз? Ахир, катта қизингиз уч-тўрт йилда ўн саккизга тўлади, шекилли. Оз-моз йиққанман, дейсизми? Ҳа, биздан яширасизда, ўртоқжон? Иккита тўясандикни тўдириб қўйгандирсиз? Мен-ми? Қизим ҳали ёшқу,

Болалар спорт

қизлар жисмонан чиниқишмоқда. Шу билан бирга клуб аъзолари ўз маҳоратларини ошириб, турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келишмоқда. Дарвоқе, клубни ёш, тиниб-тинчмас мутахассис Шухрат Ҳакимов бошқариб келаяпти. - Спорт клубимиз зиммасига ёш спортчилар маҳоратини синовдан ўтказиб, уларга турли тоифа бериш вазифаси ҳам юкланган, - дейди спорт клуби раҳбари. - Буни

эндигина бешга тўлди. Нима? Бешқилдиган йиғиш керак? Қўйинг-е, бир оз вақт тинчгина яшай. Шундоғам чарлару бешик тўйлардан қайтсам, неча кунлар ухлоймай чиқаман, кизимни ўйлаб. Бош омон бўлса, дўппи топилар. А? Кейин шобиш қоласиз, дейсизми? Ҳа, рост. Битта-битта олиб, сандиқча солиб қўй дейману... пул ўлғурни ҳеч жамлаб бўлмай қолди. Бубқдан маошини олсан, у ёқдан сўвдай оқиб кетади!

Нима? Эшитдим. Чарлар эртага эканми? Соат нечага? Учга йиғиласизларми? Чикарман. Кўнғирқ қилиб эслатарсиз, ўрғулай. Биласизку, хотирам чаток. Ҳа, майли, омон бўлинг. Ҳўп, хайр... (Қизча гўшагини қўйиб, яна қайтадан «номер» тора бошлади) Шунда беҳосдан эшикда турган онасига кўзи тушиб, ўрнидан ириб турди. Юғриб ёнига келди. Зарифа эса буни кўрмас, қўзларини бир нуқтага тикканча хаёлга ботганди:

«Тавба, бугун эрталаб мен шу гапларнинг ҳаммасини телефонда айтгандим. Бу қизи тушмагур қулоқ солиб турган экан-да. Сўзларини битта қолдирмасдан эслаб қолгани-чи? Дадаси «ҳар хил гапни гапирверма, ёнингизда лоқатор ишлаб турибди» десаам парво қилмабман-а! Бундан сўнг ҳар қандамда хушёр туриб, ҳар сўзни айтишда эҳтиёт бўлмоғим зарур экан!» Зарифа охирада юмуш қилаётган ҳам қизининг хозирги гаплари (аслида ўзининг гаплари) узоқ вақт хаёлидан кетмади...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Олим Лайонс ўйлаб топган 13 килограммли атом соати ҳар минг йилда фақат бир сонияга фарқ қилади, холос. Америка Қўшма Штатларида Ер ва сунъий йўлдошларда вақт ўтиш фарқини билиш учун бу соатни Ер йўлдошига ўрнатиш режалаштирилган.

Олимлар яқинда ихтиро қилган фаройиб самолётнинг гилдирақларига алоҳида шина ўрнатилган. Уни кам босимли ҳаво билан энига кенгайтириш мумкин.

Бундай шина ўрнатилган самолётлар учаётганда ҳам, ерга қўнганда ҳам каттик силкинмайди, равоқ учеди. Қўшни майдончасида учраган гишт парчалари, тахтачалари ҳам «кўрдим» демай ўтиб кетавереди.

Япониянинг баъзи жойларда балиқнинг айрим турларини атайлаб урчишиб, аквариумда саклашади. Агар ер қимирлайдиган бўлса, ундан бир неча соат илғари, аквариумдаги балиқлар тоқатсизланиб, ўзларини ҳар томонга уриб, уй эгасини яқин фурсат ичида ер қимирлаш хавфи борлигидан хабардор қилади.

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири

БЕЛБОҒ СОҲИБЛАРИ

Жисмонан бақувват, соғлом авлод - юрт келажиги. Шу боис ҳозирги кунда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида катта миқдосдаги ишлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг «Қалқон-спорт» яқка курашлари спорт клуби бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Спорт клубининг фидойи мураббийлари томонидан Тошкент вилоятининг бир қанча туманлар, Чирчиқ шаҳри, шунингдек, пойтахтимиздан ташриф бурюрган 30 дан ортқк ёш спортчилар иштирок этиди. 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган қўл жанг вакилларининг ўз маҳоратларини намойиш этишлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида улар турли белбоғ соҳибларига айланшиди.

имкон қадар ҳаққоний ва ҳолисона баҳаршига ҳаракат қилаямиз. Яқинда Қўрай туманидаги 6-ўрта мактаб спорт залида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятининг бир қанча туманлари, Чирчиқ шаҳри, шунингдек, пойтахтимиздан ташриф бурюрган 30 дан ортқк ёш спортчилар иштирок этиди. 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган қўл жанг вакилларининг ўз маҳоратларини намойиш этишлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида улар турли белбоғ соҳибларига айланшиди.

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Сайфутдин ХУДОЙБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Сайфутдин ХУДОЙБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касб-хунар таълими бошқармаси метод бўлими бошлиғи, илмий-услуб маркази директори

И.Нестеров («Пахтакор»), А.Бақланов («Насаф»), Б.Алиқуллов, А.Алиқуллов, А.Николаев, Л.Кошелев, С.Жепаев, Т.Копадзе, В.Кирьян, А.Солиев, И.Иномов, И.Магдиев (хаммаси «Пахтакор»дан), А.Фёдоров («Рубин» Қозон), М.Қосимов («Машъал»), З.Холмуродов («Насаф»), Н.Қўзибоев («Нефтич»), Х.Каримов («Навбахор»), М.Бикмаев («Крилья Советов»), И.Зейтуллоев

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ТАЙЁРГАРЛИКНИ БОШЛАДИ

Янги 2005 йил мавсуми ўта муассалати бўлиб, терма жамоамиз футболчилари ЖЧ-2006 йўлланмаси учун баҳсга киришади. Гурӯҳи-дирланди. Янги 2005 йил мавсуми ўта муассалати бўлиб, терма жамоамиз футболчилари ЖЧ-2006 йўлланмаси учун баҳсга киришади. Гурӯҳи-дирланди. Янги 2005 йил мавсуми ўта муассалати бўлиб, терма жамоамиз футболчилари ЖЧ-2006 йўлланмаси учун баҳсга киришади. Гурӯҳи-дирланди.



тўла келишува эришилмаган. Агар ҳаммаси рисоладагидек бўлса, Максими Шацкис ҳар икки жамоада бир бўлимдан тўп суради. Йиғинда Александр Гейнрих ҳамда Владимир Шинеловлар трансфер муаммоларини ҳал этаётгани боис қатнашмайди. «Локомотив» (Москва) аъзолари Владимир Мамин, Олег Пашинин ва дарвозабон Алексей Поляковларнинг йиғинларда қатнашуви маълум эмас. Ҳозирда ўз юртида ҳордиқ чиқараётган немис мутахассиси Юрген Гёде БАА сафарига терма жамоа билан йўл олади. Сафардан қайтган, терма жамоамиз яна 25 январдан йиғинларни бошлайди: Абдулҳай ЮСУОВ, «Ишонч» мухбири

НЕЙЛОН ТОЛАЛАРИ

Ҳар хил трикотажд буюмлари тайёрлашда нейлон толалари ишлатилади. У асил ипак толасидан икки марта чидамли. Парашот тайёрлашда чидамлилиги жиҳатидан нейлон бирдан-бир метариал ҳисобланади.

Шунингдек, моторсиз унайдан аппарат-планерларни бир-бирига тиркайдиган арқон, самолётлар учун чил-вирлар ҳам нейлондан тайёрланади.

Ўзининг кимёвий тузилиши жиҳатидан капрон нейлонга яқин туради. Капрон сунъий толаранинг энг қимматли хили бўлиб, уни фенол, яъни карбон кислотадан олинади. Фенол нефть таркибидagi бензолнинг хушбўй ўтгевдоринидан, шунингдек, метанга кимёвий ишлов бериш йўли билан ҳосил қилинади.

Дастлаб фенолдан капронлақтам деган суяқлик тайёрланади. Уни полимерлаб, кейин кучли босим остида ниҳоятда майда тешикчалардан ўтказилади. Шу йўл билан жузда ингичка капрон ип ҳосил қилинади.

Олимлар нефть таркибида учрайдиган циклогексон деган моддадан ҳам капрон яратишга муваффақ бўлишди.

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@postlink.net; ishonch1@postlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Тошрирди - 21.50

Манзил:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.